



Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2008-yil • 24-aprel • Payshanba • 53 (27.858) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Жорий йилда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, улар учун янги иш ўринлари барпо этишга, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга, таълим сифатини юксалтиришга йўналтирилган «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси йўлида 1,5 триллион сўм ажратиш назарда тутилмоқда.

Кўргазма



«КООПЕРАЦИОН БИРЖА ВА СПОРТ КИЙИМЛАРИ»

кўргазмасида юртимизда фаолият кўрсатаётган қиркдан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда

Шу кунларда пойтахтимиздаги «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси кўргазмалар залида «Кооперацион биржа ва спорт кийимлари» кўргазмаси ўтказилмоқда. Унда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибига кирувчи корхоналар ўзаро ҳамкорлик, тармоқ ичида ва тармоқлараро енгил саноат кооперацияси

ҳамда спорт кийимлари ишлаб чиқариш бўйича ўз имконияти ҳақида салоҳиятларини намойиш этишга тайёр. Бугун мамлакатимизда енгил саноат соҳасини янада ривожлантириш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрини қопловчи рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ўз навбатида янги ишчи ўринлари яра-

тишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Юртбошимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрдаги «Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро кооперацияни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 февралдаги «2008-2012 йиллар даврида ишлаб чиқариш қувват-



ларини модернизация қилиш асосида сифатли спорт анжонлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастури тўғрисида»ги қарори жуда катта имкониятлар яратмоқда. — Илк маротаба ўтказилган ўтган йилги кўргазмада кооперация биржасида импорт ўрини босувчи ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар хариди юзасидан 43 миллиард сўмлик шартномалар имзоланган эди, — дейди «Ўзбекенгилсаноат» ДАК бош дизайнери Нигора Мухамедова. — Бу галги кўргазмада юқоридаги кўрсаткич янада ошиши кўтилмоқда. Чунки ишлаб чиқариш корхоналари

кўргазмага тақдим этган маҳсулотлари турлари сони аввалгига нисбатан анча ортган. Импорт ўрини босувчи маҳсулотлар, жумладан, спорт кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган пойтахтимиздаги «Shayhontohur tekstil», «Muruvvat tekstil», «Invest tekstil», ИПОО «Textile Impex», Самарқанддаги «8 март» АЖ, «Amin Invest international» сингари корхоналар томонидан тақдим этилган маҳсулотлар бежирим ва харидорлиги билан ажралиб турибди.

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар. Абдирови ХАЙДАРОВ олган суратлар.



ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22-23 апрель кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Қозоғистон Республикасида ташрифининг иккинчи куни — 23 апрелда Президент Нурсултон Назарбаев ҳамроҳлигида Остонадаги MEGA савдо марказига ташриф буюрди. Яқинда қурилган ушбу марказда савдо шохбчалари, боулинг, стол тенниси каби спорт ўйинлари бўлимлари, кинотеатр бор.

Президент Ислам Каримов Қозоғистон раҳбари билан бирга Нейрохирургия марказига борди. Ушбу муассаса фаолияти билан танишув чоғида беморларни даволаш, операция қилиш, шифокорлар учун яратилган шароит, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалалари билан қизиқди. Ўзбекистонда тиббиётнинг бир неча соҳаси бўйича ихтисослаштирилган марказлар ташкил қилинганини таъкидлаб, бу борада ҳамкорликни кенгайтириш ва тажриба алмашиш икки мамлакат манфаатларига мос бўлишини қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасида расмий ташрифи якунига етди. Ушбу ташриф натижалари нафақат мам-

лакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда, балки, умуман Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Остона учрашувларида эркин савдо тўғрисидаги битим ишлаб чиқишга келишиб олинганини таъкидлаш жоиз. 2007 йилда ўзаро савдо ҳажми 63 фоизга ошди, лекин бу кўрсаткич икки томонни тўла қаноатлантиради, деб бўлмади. Масалан, экспорт-импорт операцияларининг 80-90 фоизи 4-5 турдаги хомашё маҳсулотлардан иборат. Ваҳоланки, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзининг экспорт салоҳияти билан савдодаги товарлар хилма-хиллигини бир неча қарра орттиришга қодир. Шунингдек, товар айирбашлаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш зарур. Бу учинчи давлатлардан харид қилинадиган маҳсулотларни икки томонлама савдо доирасига киритиш имконини ҳам беради.

Ташриф асносида Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбаев минтақавий хавфсизлик масалаларини атрофлича муҳокама қилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўз нуфузи ва салоҳияти билан бу борадаги

қўллаб масалаларни биргаликда ҳал этиши мумкин. Бу йўналишдаги ҳамкорлик минтақада барқарорликни, авваламбор, иқтисодий тараққиётни таъминлашга, қолаверса, маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон пойтахтлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Президент Ислам Каримовнинг Остона шаҳри ҳокими Иманғали Тасмағамбетов билан бўлган учрашувида бу борадаги алоқалар қўламини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Қозоғистон жамоатчилиги Ўзбекистон Президентининг ташрифига катта қизиқиш билдирди. Мамлакат оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон раҳбарининг ташрифини кенг ва батафсил ёритиб борди. Хусусан, «Егемен Қазақстан» ва «Экспресс-Казахстан» газеталарида ташриф ҳар томонлама фойдали ва самарали бўлгани, Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон учун долзарб аҳамиятга эга қўллаб масалаларни муҳокама этгани алоҳида таъкидланди.

Анвар БОБОВЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Остона — Тошкент.

2008 йил — Ёшлар йили

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Ёшлар келажак бунёдкорларидир. Эртасини ўйлаган миллат болаларини бошида кўтарди. Уларга фақат яхшиликларни раво кўради. Оқил инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида бор имкониятларини ишга солиди. Худди шу маънода бугун мамлакатимизда ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Кўни кеча Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимиздаги 110-ўрта мактабда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлашда таълим муассасаларининг вазифалари мавзусида ташкил этилган семинар ҳам худди шу ҳақда сўз юритилди. Уни ташкил этишдан кўзланган мақсад — таълим муассасалари ходимларига дастурнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ тушунириш ва шу орқали уни юзага чиқаришдан иборат эди.

— Давлат дастури ижросини таъминлашда таълим муассасалари, хусусан, биз, педагогларнинг ўрни беқийс, — дейди Тошкент шаҳридаги 214-ўрта мактабнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Насиба Мирсатова. — Бугунги семинар давомида мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, уларнинг иқтидори ва қобилиятини аниқлаш бўйича қўллаб-қувватловчи чора-тадбирларни, биз, ўқитувчи-мураббийлар эса юқоридагилардан тегishли хулоса чиқариб, ишни тўғри ташкил этиш бўйича вазифаларни белгиллаб олдик.

Темур АБЗАМ

НАРГИЗА — ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Бухоро шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Республика ҳамширалар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган анъанавий «Йилнинг энг яхши ҳамшираси» республика кўрик-танлови якунланди.

Соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни чуқурлаштиришга доир давлат дастурлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, тиббиёт ҳамшираларининг касбий билим ва маҳоратини ошириш, уларнинг ўз истеъдодини намоён этиши ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан вакиллар ўзаро баҳс юритди.

Танлов шартларига кўра, беморларни қабул қилиш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида иштирокчиларнинг амалий маҳорати синонад ўтди. Савол-жа-

воблар орқали ҳамшираларнинг соҳага доир билими ва сиёсий дунёқарашига, саҳна чиқишлари эса санъатга қизиқиши ва юқорилик маҳоратига баҳо берилди.

Бухоро вилоят Қоровулбозор туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Нарғиза Файзуллаева голибликни қўлга киритиб, «Матиз» енгил автомашинаси билан тақдирланди. Кейинги ўринларни Тошкент вилояти вакили Малика Мақсудова ҳамда пойтахтлик Раъно Холматова эгаллади.

Э.ЁДРОВОВ,
ЎЗА мухбири

ЎзХДП ҳаёти

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан вилоятнинг энг фаол, энг зукко қизлари ўртасида кўрик-танлов ўтказилди.

«ФАОЛ АЁЛЛАР» ТАШАББУСИ

Ёшлар йилига бағишланган ушбу тадбирда вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги иқтидорли қизлар иштирок этишди. Улар нутқ маданияти, пазандалик, рўзгор юмушлари усталиги, санъат ва спорт бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Шунингдек, қизлар ҳаётдаги турли вазиятлар ечимини топиш борасида ҳакамлар томонидан берилган саволларга пишиқ ва аниқ жавоблар беришди.

Кўрик-танлов вилоят микёсида икки ҳафта давом этиб, ниҳоят финалда голиблар аниқланди. 30 нафар фаол қиз орасидан янгиақриқлик Соҳиба Фоййбова, хонқалик Дилноза Фозиловва,

ҳазораспик Дилобар Рўзметова ҳамда Урганч шаҳридан Адолат Эшметова ва Фотима Абдуллаевалар танлов голиблари деб топилди.

— Биз вилоятдаги ОАВ имкониятидан фойдаланиб, партия мафқурасини кенг тарғиб қилиш мақсадини ҳам кўзлаганмиз. Ушбу танлов бу борадаги илк қадамдир. Келгусида «Фаол аёллар» қаноти бу каби қўллаб-қувватлаш ишларини режалаштирган, — дейди вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси ўринбосари Санобар Ботирова.

(Ўз мухбиримиз)

ҚЎРҒОН ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Зарафшон шаҳри йил сайин чирой очиб, гўзаллашиб бораётган. Бундан беш йилча илгари шаҳарнинг шимоли-ғарбий ҳудудида Янги Зарафшон кўрғони қад ростлаган эди. Бу ерда ўтган давр мобайнида бир қанча маданий-маиший иншоот фойдаланишга топширилди.

Яқинда Зарафшон қурилиш бошкармаси бунёдкорларининг саъй-ҳаракати билан ўн чакирим масофага газ қувури ётқизибли, юздан ортқ хонадон аҳли «зангори олов» билан таъминланди. Ушбу йўналишда бешта газ тақсимлаш шохбчаси ўрнатилди. Йил охиригача яна 150 хонадон ана шундай қулайликдан баҳраманд бўлади.

— Ушбу кўрғонни янада обод ва кўркам масканга айлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратяпмиз, — дейди «Маҳалла» жағмармаси шаҳар бўлими раиси Қўлназар Сансизбоев. — Бу ерда аҳолининг асосий қисmini ёшлар ташкил этади. «Ёшлар йили» Давлат дастурига биноан жорий йилда улар учун «Ёшлар маркази» қурилишини бошлаб юбордик. Унда ёшлар касб-ҳунарга ўрганиш, мазмунли хордик чиқаради ва турли кўнгилочар тадбирлар ўтказилади.

Ёрқул УМАР,
ЎЗА мухбири

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

Гулбаҳор АХИМБЕТОВА:

ОРЗУИМ — ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИМИНИ ТОПИШ



Қорақалпоғистонлик Гулбаҳор АХИМБЕТОВА 2005 йилда маданият йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. У 1987 йилда Нукус шаҳрида таваллуд топган. 2003 йилда 32-ўрта мактабнинг 9-синфини тамомлаб, ўқишни Нукусдаги маданият ва санъат коллежидан давом эттирган. Ҳозир Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабаси.

— Санъатга ёшлигимдан дўстлик қўйганман, — дейди Гулбаҳор. — Кўпроқ қорақалпоқ миллий қўшиқларини ҳиргойи қилардим. Мактабда ўқиб юрган кезларимда Нукусдаги болалар мусиқа мактабига ҳам қатнаганман. Устозим, Ўзбекистон халқ бахшиси Файрат Утемуратовдан қорақалпоқ бахшичилиги санъатининг сир-асрорларини ўрганганман. Бугун у кишининг маслаҳат ва йўл-йўриқлари билан катта саҳналарда «Ошқ ғариб», Алломиш дostonларидан парча, Саётхон Ҳамро, Махтумқули, Аҳиниёз, Бердақларнинг насихат қўшиқларидан ижро этаяпман.

Халқимизда мусиқий тарбия мақолига етаклайди, деган гап бор. Юқорида Гулбаҳорнинг журналистика факультетида ўқиётганлигини айтдик. Бу қизни яхши танимаган, билмаган одамда «Дўтор чалиб, қўшиқ айтarkan, журналистикада нима қилади?» деган савол туғилиши табиий. Гулбаҳор 2000-2006 йилларда Нукус телерадиоканалидаги болалар кўрсатувида ҳам бошловчиллик қилган. Демак, бу соҳа ҳам унга бегона эмас. Ҳозир корейс тилини ўрганаётган. Бизнингча, буям комиллик сари ташланган яна бир қадам.

— «Ўзбегим ёшлари» гуруҳида ҳам фаолият олиб бораман, — дейди Гулбаҳор Аҳимбетова. — Ўтган йили гуруҳ аъзолари билан Майайиза давлатида бўлиб ўтган мусиқий фестивалда иштирок этдим. Ҳозир 9-10 май кунлари «Туркистон» саройида ўтказиладиган катта гала-концерт ва август ойида Испанияда бўладиган фольклор фестивалида қатнашиш учун тайёргарлик кўраяпмиз. Бунда менга гуруҳимиз раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Лutfия опа Рўзиева яқиндан ёрдам бераётганлар. Орзуим — етук журналист бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топиш.

Гулбаҳорга ўхшаган куч, ғайрат ва шижотга тўла истеъдодли ёшларимиз бор экан, мустақил Ўзбекистонимизнинг юки ҳеч қачон ерда қолмайди. Юртимизда ана шундай ёшларимиз борлиги учун ҳам Президентимиз «Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи қучидир» деганлар.

Маъмуржон МАХМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Суратда: Гулбаҳор Аҳимбетова.
Абдирови ХАЙДАРОВ олган сурат.

Онг озодлиги

ОДАМЛАР ҲАЁТНИ ЎЗГАРТИРАЯПТИ, ҲАЁТ ЭСА ОДАМЛАРНИ

Маълум муддат ичида янги уй-жойлар, корхоналар, қошоналар, гўзал шаҳарлар барпо этиш, ҳатто тоғни ҳам талқон қилиш мумкин. Аммо мустақилликка эришган мамлакатда онгни эски тузум асоратларидан, қуллик кайфиятидан халос этиш ўта оғир жараён эканини ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз. Одамларда энг аввало, ўзига ишонч туйғуларини уйғотиш, уларни боқимандалик иллатидан қутқариш, гуруҳ ва ориятини кўтариш, ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлишнинг таъминлаш, кишилар қалбига, онгу шуурига янгича тафаккур, янгича мафкура ғояларини изчил сингдириш борасида амалга оширилган қанчадан-қанча саъй-ҳаракатлар бугун ўз меъасини бермоқда.

Бунга ўн йилча бўлди. Пойтахтимизнинг Эски шаҳридаги чойхоналардан бирида тугилган кун нишонланаётган эди. Ушанда сўрининг тўрида ёнбошлаб ётган эллик ёшлардан ошган киши «Ҳаёт шундай кетаверадими, биз қачон бой бўламиз?» дея дийдиё қилиб қолди. Даврадагиларнинг кўпчилигини танирдим. Тонгдан ярим тунгача шу ерда гап сотиб, ошхўрлик қилиб, кун ўтказарди.

— Биз ҳеч қачон бойимаймиз, — деди ёнимдаги ҳамкасбим бироз қизишиб. — Бу ўтиришда қандай бойимиз? Биров келиб нонимизни тайёрлаб берсинми ё уйимизни қуриб берадими? Бойимизни учун ўзимиз нима қилаймиз? Ўтиришимиз шу бўлса?..

Бу гапга жавоб ҳам мужмалроқ бўлди: — Энди ука, биз оддий одамимиз, қўлимиздан нимаям келарди?..

— Қўлимиздан кўп нарса келади, катта ишлар келади, — деди ҳамроҳим. — Масалан, ҳаммамизнинг болаларимиз бор. Уларнинг ўқиши, тарбияси билан қизиқамизми, тил ўрганиши ёки бирор касб-хунарни эгаллашига жон куйдираёмизми? Ота бўлиб ҳеч бўлмаса шунга қўйил қилайлик... Чойхонага, улфатчиликка вақт топамиз. Лекин болаларимизга вақтимиз «етмайди»? Уларни ўқитсак, тарбияласак, эртага шулар эмасми, бизни бой қиладиган.

Даврага совуқ жимлик чўкди. Ҳамма ерга қараб, ўйга толиб қолди.

— Хафа бўлманглару, лекин тўғри гап айтилди, — деди ёши олтишларга борган, сочларига оқ оралган дўпчил киши. — Ҳаммаям яхши яшасам дейди-ю, лекин амалда олма пиш, оғзимга туш, дея ўтираверди. Аҳир Яратган ҳам сендан ҳаракат, мендан барокат, деган.

Бу фикрни ҳеч ким қувватламади. Яна даврада сокинлик ҳукм сурди. Эҳтилом, ўша пайтда бу ақилли гаплар кимгадир сингмагандир ёки бу оддий ҳақиқатни англаб олишга вақт керак бўлгандир. Хар ҳолда орадан ўтган фурсат кўпгина оғриқли, дардли саволларимизга жавоб топишимиз учун имкон берди.

...Яқинда тахририятга Самарқанд вилояти Оқдара туманидан қадрдон бир опахонимиз келиб қолди. «Хеч қандай илтимосим ҳам, шикоятим ҳам йўқ», — деди у куллимсираб. — Тошканга бир қариндошининг тўйига келувдик, сизларни кўрмай кетсам бўлмас, деб ўйладим...

Офтобда тобланган юзларига ажин туша бошлаган бу аёл Лоиш яқинидаги Карки қишлоғида Сапура Давураов эди. Унинг умри далада, деҳқончиликда ўтган, оқ фурсат фермер ҳам бўлган. «Нима иш қилайсиз ҳозир? — деб сўраса, «Олтмишга кирдим, пенсиядаман, бизнинг ўрнимизга болалар ишляпти энди», — деди аллақандай завқ билан.

Уй-жойи, турмуши билан қизикдим. — Илгари 10 киши икки хонали, оддий уйда яшардик, — деди у, — ҳозир бирта келинимизга тўрт хонали дангиллама уйни бериб қўйганмиз. Уч фарзандим институтда ўқиди. Икки қиз, бир ўғил.

— Сизлар томонга ўтмагилар анча бўлди,

яхши кўрган одамни топиш қийин. Ўғилларидан бирининг исмини Биродар Абдураимовга ҳавас қилиб, Биродар деб қўйган. Дунёнинг манаман деган футболчилари исми-шарифини ва уларнинг қайси ракам остида ўйнашига ёддан билди.

Бир воқеани айтсам, ўзингиз тушуниб оласиз. Ўтган асрнинг 80-йилларида у «Пахтакор»нинг ҳар ўйинига Яқкабоддан Тошкентга келиб ке-

— Ўзингизнинг оилангизда қандай ўзгаришлар бўлди? Шулардан ҳам гапиринг, дейман.

— Мустақиллик даврида бир уй қурдим, ўнга йигирма. Битта суннат тўй қилдим. Қизимни чиқардим. Ўғлимни уйлантирдим. Икки марта «Нексия» олдим. Мол-ҳол ҳам ўзига яраша.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, Тошкентга йўлимиз тушса, қишлоқдан чиқиш учун ярим кун вақт кетарди, ана келади, мана келади, деб кўзимиз тўрт бўлиб автобус кутиб ўтирардик. Унга ҳам тикилишда илиниш қийин эди. Шахрисабзда соатлаб автобус кутардик. Ҳозир-чи, беш минутдан ортқ кутмайсиз. Қатор туришди. Танлаб, миниб кетаверасиз. Ўзбекистоннинг хоҳлаган жойига бир кунда бориб келса бўлади.

Бизда Майданак деган жой бор. Ушанинг тепасида Тошкўрғон, Озодтонг деган қишлоқлар бор. Илгари фақат отда бориш мумкин эди. Бир ҳафта вақт кетарди. Ҳозир йўл очилган, бораман десангиз «Уазик» машиналар қатор туради, ғириллаб тепага чиқиб кетаверасиз...

Унинг гапини бўлиб, тўй-хашамлар қанақа ўтаётгани билан қизикдим.

— Шаҳарда қандай, билмадим, ишонасизми, бизнинг қишлоқда одамлар тўй қилиш учун навбат кутади. Ҳосилни йиғиштириб олгач, тўйлар бошланади. Тўйларни оқсоқол белгиларди. Кунига учталаб тўй... Қариндош-уруғ дегандек, баъзан ҳафтадан Худо берган кунни тўй... Бу нимани кўрсатади? Демак, одамлар ўзларини тиклаб олишди. Бир пайтлар учта моли бор хонадон бой саналарди. Ҳозир фалончининг юзта қўйи бор десангиз ҳам ҳеч ким ажабланмайди.


— Сиз шундай дейсиз, лекин қишлоқларда қишлоқлабганлар ҳам бор-ку, — атайлаб сўрайман ундан.

— Қишлоқда ҳар хонадонда ҳеч бўлмаганда 5-10 сўйиш ер бор. Ери бор одам оч қолмайди, даромадсиз бўлмайди. Одамнинг ўзига боғлиқ... Тўғри, қаровчисини йўқотган ёки бошига мусибат тушганлар бўлиши мумкин. Ҳаёт-да бу. Лекин бундайларга давлатдан, ҳомиёлар тарафидан ёрдам бериляпти, маҳалла-қўй ҳам қараб тургани йўқ. Нوليб юрадиганлар биласизми, кимлар? Ишқамаслар, боқимандаликка ўрганиб қолганлар...

Яқинда бўлган бир воқеани айтиб берайми, сизга? Шошилинч бир иш билан қиракаш машинага чиқдим. Ўйла келаяпти, ҳалиги ҳайдовчи нарх-наводан, ҳаётдан арз қилиб қолди. Жаҳлим чиқиб кетди. Тўхта, дедим, тагиндаги машинанг ўзингизники, дедим. Бош силкиди. Бунда давлат чиқарган. Телтекс йўл қуриб берган. Бензин, устакхона хизматлари. Негаш қуриш ўрнига ноллийсан, дедим. Ўзинг нима қаромат кўрсатсангиз у бошқалардан талаб қилсангиз?..

Бундайларда менимча, фаҳм-фаросат етишмайди ё «иши» шу. Яйни Ўзидан эмас, бошқалардан ахтарайди. Атрофга қара, нималар бўляпти. Санаб адоғига етиб бўлмайди. Юрт тинч бўлса, меҳнат қилман, бойиман, мулкдор бўлман деганга ҳамма йўл очил. Ҳаракат қилсанг, кам бўлмайсан. Тўғри одамга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Бундан ортқ яна нима керак...

Ўйлаб қолсан киши, қаранг, Сапура Давураова ҳам, Улашботир ўғлини эсидан чиқариб қолди. Ана шу Улашботир деганимиз ҳар хил соҳаларда ишлаб юриб, охири фермерликка ўтибди. — Катта ўзгаришлар бўлиб кетди одамларда, — дея гап бошлади у. — Илгарилари нолмига пахсадан бир қордевор бўлса, кифоя эди. Имкони борлар ҳам тузукроқ иморат қуришга кўрқарди. Битта-икки томи шиферланган ёки пишқир гишт ишлатилган уй бўлса, текшириш бошланарди, эгаси сўроққа қақирларди. Ҳозирги уй-жойларни кўринг, бири-биридан устун. Машиналарни айтмайсизми... Телефон-чи, телефон? Аввал-ботирини учратиб қолдим. У Яқкабонинг Дархон қишлоғидан. Полвонлиги бор. Устига-устак футболнинг ашаддий ишқибози. Ишқибоз деган сўз аслида унга камлик қилади. Хар ҳолда футболни бунчалик



Ўзгаришлар кўпдир?

— У-хў, танимайсиз, Каркини... Янги уй қурмаган оила қолмади ҳисоб. Одамлар ерли, мулки бўлиб кетган. Илгари қишлоқда битта бизда ГАЗ-21 бор эди. Ҳозир кимда машина бор, деб эмас, кимда машина йўқ, деб сўрашади...

Яна бир гапни айтмай. Олдинги замонлар эрталаб соат бешда далага чиқардик. Тўш-ликда уйга келиб, чой-нондан сўнг яна қайтардик. Кун ботганча ишлардик. Ҳозир биров фермер, бошқаси тадбиркор. Кимдир томорқада. Одамлар эркин. Ихтиёр ўзиди. Ҳамма ўз ишини билиб қилади.

— Гоҳида турмушдан ноллийдиганлар ҳам учраб туради. Шуларга нима дейсиз?

— Дангасалар нолийди. Ишлайман деганга, укажон, иш топилади. Ишласа, нони бутун. Ўзимдан қиёс, 13 сўйиш жойимиз бор. Узум дейсизми, анорми, анжирми, хурмоми, олмами, ҳатто бодомгача эканмиз. Бу ёғи картошка, сабзи, пивё... Тандирда нон ёнамиз. Чорваим бор. Товуқ ҳам сақлаймиз. Бозордан деярли ҳеч нарса сотиб олмаймиз. Қайтага керак бўлса, ўзимиз рўзгордан ортганини бозорга чиқарамиз. Ҳовлига қарайман, болаларнинг шуқронасини қилиб ўтираман. Ишламасак шулар бўлармиди...

Тўғриси, оддий қишлоқ аёлининг содда, беғубор гап-сўзларидан кўнглим ёришиб, шуларни ёзса бўлади-ку, деб бир ҳафтача ўйлаб юрдим. Бу орада Қашқадарёга йўлим тушиб, эски қадрдонимиз Улашботирни учратиб қолдим. У Яқкабонинг Дархон қишлоғидан. Полвонлиги бор. Устига-устак футболнинг ашаддий ишқибози. Ишқибоз деган сўз аслида унга камлик қилади. Хар ҳолда футболни бунчалик

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

Бир пайтлар Шофиркон тумани маркази чекка бир қишлоқдан асло фарқ қилмасди. На шаҳаргача олиб борадиган тузукроқ йўл, на кўнгилоҳар истироҳат маркази бор эди. Мустақиллик тўғрисида бу ерда шаҳарсозликка алоҳида эътибор қаратилди, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Аммо ишлар ҳадеганда кўзга ташланавермади. Чунки, шаҳарсозлик бўйича янги режаларни амалга ошириш, ободончилик ишларини янада такомиллаштириш вазифаларини даврнинг ўзи ташқо этмоқда. Бу масала ЎзХДП фаолларига ҳам ҳеч тинчлик бермади.

— Шунда Қалмақон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Жўраев, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ботир Олимов, туман ободонлаштириш бўлими бошлиғи Файзулла Мирзаев каби фаолларимиз Жамоатчилик қабулхонасига кириб келдилар — дея ҳикоя қилади туман партия кенгаши раиси Баҳром Неъматов. — Улар ташландик ҳолда ётган юкмули касалликлар шифохонасининг собиқ майдони ўрнида сўлим маскан барпо этилса, аҳолига маъқул тушини айтишди. Ана шу му-

Ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасини аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон ХДП фаолиятида аёлларнинг алоҳида ўрни бор. Чуст туман партия кенгаши раисининг ўринбосари, «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Дилором Усмонова ҳам ана шундай аёллардан. У ҳар бир ишга масъулият билан ёндашади. Ўзининг ибратли ташаббуслари билан эътибор қозонган. Айни пайтда туман партия кенгаши қошида 25 нафардан иборат аёллар тарғибот гуруҳига етакчилик ҳам қилади.

ҚИРҚ ЖОНИ ҲАМ ҚАДР ИСТАР

— Туманимизда 4282 нафар ХДП аъзоси бўлса, уларнинг 1600 нафарини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди у. — Энг йирик 18 та бошланғич ташкилотимиз раислари ҳам аёллар. Мавжуд маҳаллалардаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ҳам партиямиз аъзоларидир. Эътибор берган бўлсангиз, бу жуда катта куч. Маликахонов Рустамова, Мавлуда Имомова, Ҳабибахонов Зоҳидова, Нафисахонов Рафқорова, Холмидхон Турғунова каби фаолларимизнинг туман ижтимоий-сисёсий ҳаётида алоҳида ўрни бор.

Дилором Усмонова туманда янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича доим ташаббускор. Яқинда бевосита унинг ташкилотчилиги билан Чуст «Пахта толаси» ҳиссадорлик жамиятида ўттиздан зиёд дўппидўз аёллар касаначилик асосида фаолият кўрсатмоқда.

Айтганча, Дилоромхон нафақат она, оила бекаси, партия лидери, маънавият тарғиботчиси, балки айни пайтда ҳунарманд — моҳир дўппидўз, чевар ҳамдир. Унинг чустликларга хос ҳунар ҳадисини пухта эгаллагани тарғиботчилик фаолияти, одамлар орасига чўқур кириб боришида ҳам қўл келади. Қишлоқ аёллари унинг шу жиҳатлари учун ҳам ҳурматлашларини кўп бор изҳор этишган.

— Аёллар оиланинг, жамиятнинг кўзгуси ва давомчиларидир, — дейди у. — Бунга исбот кўп, инкор йўқ. Аммо аёл зоти қадрга, меҳрга ҳамиша муҳтож. Аёл зоти қадрланган, эъзозланган жойида фариштага айланади, ҳаётимизни беэади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Газетада босилмади, аммо...

ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО БЕРИЛДИ

Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан тахририятимизга шикоят хати йўллаган фуқаро Жамила Ҳамроева Мўқимий маҳалласи оқсоқоли Ж.Чориевнинг болалар нафақасини беришдаги ноҳўя хатти-ҳаракатлари ҳақида ёзган эди. Яқинда мазкур хат юзасидан қуйидаги мазмунда жавоб хати олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

«Денов туманидаги Мўқимий маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳамроева Жамила «Ўзбекистон овози» газетасига ёзган аризасида маҳалла раиси Ж.Чориев фаолиятдан норозилиги ва унинг 16 ёшгача бўлган болалар

ЮРТ ОБОДЛИГИ

кўп жиҳатдан партиядошларимизнинг ташаббускорлиги ва амалий ишларига боғлиқ

жаат асосида туман ҳокимлиги бу ишга жамоатчилики жалб этди. Бир йил ичида ҳашар йўли билан бу ерда катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Энди шофирконликлар ўзларининг истироҳат боғи ҳамда хотира майдонига эга бўлди.

Биз партия кенгаши раиси билан бўлажак истироҳат боғидан қайтаётганимизда туман ҳокими Идибой Жўраевни учратиб қолдик.

— Бу боғни барпо этиш ташаббуси ХДП фаолларидан чиққанди. Шу боис, бу ишни адоғига етказиш ишларига мазкур партия кенгаши раиси раҳбарлик қилмоқда. Ҳамжиҳатлигимиз натижасида асосий ишлар ниҳоясига етди, — деди у мамун ҳолда. — Биргина бу эмас. Бултўрт етти пирининг бири — Хожариф ар-Ревгарий Моҳитобон зияратгоҳи атрофини ободонлаштириш, янги марказий бо-

зор қурилиши сингари бунёдкорлик ишлари ҳам фаоллар муурожаоти асосида бошлаб юборилганди.

— Ўтган йили Жамоатчилик қабулхонасига элликка яқин фуқаро муурожаат қилди, — дейди туман партия кенгаши масъул ходими Раъно Рўзиева. — Шуниси қўвончлики, муурожаатларнинг аксарияти туман ижтимоий-иқтисодий ривожига дахлдор масалалардир. Уларнинг кўпчилиги бирин-кетин ўз ихросини топтоқда.

Яна бир жиҳат. Туман партия кенгаши фуқароларга қўлайлик яратиш мақсадида йирик ҳудудий партия ташкилотлари ҳузурда ҳам Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини йўлга қўйган. Уларда ХДП дан туман ва вилоят Кенгашларига сайланган депутатлар вақти-вақти билан навбатчилик қилмоқда. Бу ҳам туман партия кенгаши ва бошланғич ташкилотлар билан

аъзолар орасидаги яқинлиқни янада қучайтиришга хизмат қилади.

— Муурожаат қилаётганлар орасида ёшлар ҳам анча, — дейди Қалмақон ҳудудий партия ташкилотчи раиси Фотима Ҳўжаева. — Ҳозиргача саккиз нафар йигит-қизни муқим иш жойи билан таъминлашга кўмаклашдик. Ёшлар йилида бу борадаги фаолиятимизни янада қучайтириш ҳаракатидамиз...

Ҳа, туман партия кенгаши ҳамда йирик ҳудудий ташкилотлар ҳузурда фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналари бугун электро-рат оғирини енгил қилишга кўмак берапти. Бу эса ўз навбатида ЎзХДП хайрихоҳлари сафи кун сайин ошишига олиб келиши, табиий.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

Солиқ ва ҳаёт

ИМТИЁЗЛАРДАН ЁШЛАР ҲАМ БАҲРАМАНД

УЛАР ЖОЙЛАРДА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНМОҚДА

Бугунги ёшларнинг ўз орзу-умидларига эришишларида, ҳар жиҳатдан униб-ўсишларида ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган қатор қўлай шарт-шароитлар мамлакатимиз баркамол авлод ёшларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, 2008 йилнинг Ёшлар йили деб номлангани ҳам беҳиз эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасида, ёш фуқаролар ва ёш оилаларга ижтимоий имтиёзлар, чунончи, яқна тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиш, сотиб олиш, уй-жой қуриш кооперативларига аъзо бўлиш учун пай бадаллари тўлаш, рўзгор буюмлари харид қилиш (шу жумладан чорва моллари ҳам), узоқ муддат фойдаланадиган кундалик уй жиҳозлари сотиб олиш, тижорат асосида амал қилдиган ўқув юртларида таълим олиш учун ҳақ тўлаш ва бошқа мақсадларга узоқ муддатли кредитлар берилиши кўзда тутилган.

Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга янада қучайтирди. Унда ёшларга меҳнат фаолиятини бошлаши ва мустақил ҳаётга кириб келишида зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш, муттасил рағбатлантириб бориш, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш чоралари белгиланган.

Шу мақсадда, республикамизнинг ҳар бир ҳудудда ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга микрокредитлар ажратиш, уй-жой сотиб олиш ва қуришлари учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш — бугунги куннинг энг биринчи галдаги вазифалари қилиб қўйилди. Шунингдек, уларга ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда амалий ёр-

дам бериш, уларга сифатли таълим, тиббий, ҳуқуқий маслаҳатлар бўйича хизматлар кўрсатиш, айнаик, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган ёшларга Никохдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш тадбирлари кўзда тутилгани катта ғамхўрлик бўлди. Айни шу мақсадларда мамлакатимиз тижорат банкларининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан 2007 йилда жами 1971 нафар ёшларга 4,6 млрд. сўм ва 2008 йилнинг 1-чорагида (276 нафар ёшларга) 1,2 млрд. сўм кредитлар берилди.

Тижорат банклари томонидан 2007 йил ва 2008 йилнинг 1-чорагида ажратилган 5,8 миллиард сўм (имтиёзли шартлар асосида) ипотека, истеъмол ва микрокредитлар шаклида берилган) маблағларни қайтаришда жисмоний шахслардан ундирилган даромад солиғи (белгиланган имтиёзлар қўлланилиши натижасида, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳисобидан) 750-780 млн. сўм миқдорда қўшимча маблағ вуҷудга келтирилди.

Бундан ташқари, Фармонда ҳўжалик субъектларига даромад солиғи ёки ягона солиқ тўлови ҳисоблашда — солиққа тортилдиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ҳодимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортилган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда, қамайтириш ҳуқуқи берилди.

Республикамиз Давлат солиқ инспекцияси ҳодимлари Фармон моҳиятини бarchа солиқ тўловчиларга етказиш ҳамда унда белгиланган солиқ имтиёзларининг жойларда тўғри қўлланилишини назорат қилиш бўйича шу қўнларда катта ташкилий, амалий ишлар олиб бормоқдалар.

Ажноби МУСАГАЛИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Давлат солиқ бошқармаси
Матбуот маркази котиби.

ганлиги сабабли 2008 йил 14 февраль куни Ўзбекистон Республикасининг ЖТК 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинган. 2008 йил 3 январь куни Ж.Чориевга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган бўлиб, 2008 йил 5 январь куни «Янги замон» ҚФЙ кенгаши қарорига кўра унга «хайфсан» интизомий жазоси берилган...

Денов тумани ҳокими
А.ҲОЖИҚУЛОВ

✓ 2008 йил – Ёшлар йили

МУҲАНДИС ИЖОДКОРЛАР

ёхуд Тошкент темир йўллари муҳандислик институти талабалари ўтказган ибратли тадбир хусусида

Баҳорнинг суратини Баҳорнинг ўзидай ҳеч бир фасл чи-зиб беролмайди.

Баҳорнинг сийратини эса... Одамзот кўнглига яшариш, яшатиш, уйғониш ҳиссини солгувчи бу мўъжизкор фасл-ни интиқиб, соғиниб кутувчи-лар ўзига хос таърифлайдилар. Айниқса, ёшлар юрагида бу ғаройиб ва бетакрор лаҳзалар ўзгача руҳ уйғотади. Улар чин маънода яратувчанлик ишқи билан нафас оладилар. Яхши-си, яқиндагина ўзимиз гувоҳи бўлган бир аjoyиб машварат ҳақида сўзлаш қўлайлик.

Тошкент темир йўллари муҳандислик институти ҳақида гап кетса, айримлар бу олий дар-гоҳ талабаларининг уй-хаёлла-ри фақат техника билан бог-лик, деган фикрга бориши та-бий. Аксинча, институтининг ус-тозу мураббийларидан тортиб, турли хил факультетларда тах-сис кўраётган талабаларигача ўзларининг чинакам иқтидор со-

жамоаси ва мазкур даргоҳ қошидаги Академик лицей та-лабалари ўз дунёқарашларидан келиб чиққан ҳолда баҳорнинг ўзига хос бетакрор манзарала-рини дизайнерлик маҳорати асосида безатишгани ҳам тад-бирнинг янада кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

— Биласиз, бизнинг олий ўқув юртимизда асосан муҳандис кадрлар тайёрланади, — дейди институтининг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича прорек-тори, физика-математика фан-лари доктори, профессор Аб-дуллаазиз ОРИКҲОЕВ. — Ас-лида ҳар бир талабанинг ўзига хос иқтидори бўлади. Бу кимда-дир очилади, кимдадир яшири-ниб ётади. Айниқса, техникага ҳаваси баланд бўлган ёшлар камтарлик қилиб ўзларини ҳар қандай даврага ураввермайди. Оддий мисол, ушбу фестивални ўтказмасак, қанчалар талаба-ларимизнинг сирли бошқа соҳа-ларда ҳам қобилиятлари бор-



нан соғлом бўлишлари йўлида спортнинг 18 тури бўйича тўра-раклар фаолият кўрсатаётгани янада ибратлидир. Махсус тен-нис корти, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, кураш заллари ёшлар иштирокида. Инсти-тут раҳбариятининг талабаларга яратиб берган бундай шарт-шароит ва имкониятларини бир-ма-бир кўздан кечириб чиққан, «Талабаларда бўш вақт ҳам бўладими?» дея сўрадик. Ҳақиқатдан бири: «Бўш вақт ҳамма вақт топилади. Лекин ун-дан қай ҳолатда фойдаланиш талабанинг ўзига боглик, — дея жавоб берди. — Оддий мисол, дарсдан чиққан талаба қаерга боради? Кимдир маънавият хо-насига, кимдир кутубхонага, яна бири спорт залига, ҳуллас, нима биландир банд бўлади. Йўқ, ҳаммаси ҳам фаол ёки бе-корчи талаба ҳам бор десам, ёлгон бўлади. Дангаса, ўзи би-лан ўзи оворалари ҳам учрайди. Улар санокли. Аммо, ўша са-ноқли дангаса талабаларни ҳам нимагадир қизиқишларидан ке-либ чиқиб, шариитлар яратиб берилмоқда. Демакки, барча бирдек фойдали машғулотлар билан шуғулланиб келмоқда».

Яна бизни ушбу мақолани ёзмоққа ундаган баҳорий фести-валга қайтамиз. Айримлар учун бир қарашда жуда оддий бўлиб туюлган танловдаги шарт-лар аслида жиддий ёндашувни талаб этаркан. «Талабалар ҳази-ли», «Шукрона», «Ҳай-ҳай», «Инс-титут ҳаёти» сингари ўнлаб но-лардаги чиқишларнинг ҳар бири ҳолисона айтганда, ўзига хос ижодкорликни намоён қилди. Муҳими, ҳар бир факультет жа-моалари танловга жиддий тай-ёргарлик кўрганликларини

Дарвоқе, Тошкент темир йўллари муҳандислик инсти-тутидаги ушбу файзли кеча-дан бир дунё таассуротлар билан қайтдик. Ишончимиз ко-милки, бугунги талаба — эр-тага яхши мутахассис бўлиб етишмоғига қадар ҲАЁТ атал-миш улкан Китобни ўқиши ва уқилиш учун ҳар қанча излан-са, интилса арзийди.

Тоштемир худойқулов,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.
Абдывоси ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.



хиллари эканлигини исботлаш-га доим интилиб яшайдилар.

«Талабалар баҳори — 2008» деб номланган фестивал кўрик-танловида ҳам улар ўзига хос истеъдодлари борлигини амал-да намоён этишди. Тадбирнинг эътиборли жиҳати шундаки, ал-лақачон анъанага айланиб ул-гурган бу фестивал ҳар йили яшариш ва янгилишни фасли бўлиши Баҳорда ўтказилиб, иштирокчилар миллий кадрият-ларимизнинг намоён этувчи ҳар хил саҳна кўринишлари ва мил-лий руҳда ижро этиладиган куй, қўшиқлар ҳамда мумтоз ада-биётларимиздан фойдаланган ҳолда шеърлардан намуналар ўқиб бериши фести-валга ўзгача шухаб бағишлади. Институтининг тўртта факультети

лигидан бебаҳра қоларканмиз. Ижодкорликнинг турли қирра-лари бўйича беллашган ёшлари-мизни кўриб, ўзимиз ҳам ҳай-ратта тушарканмиз. Сездикки, бун-дай танловлар жуда катта им-коният майдони экан. Яна бир эътиборли жиҳати, бу тадбирга тайёргарлик кўриш жараёнида улар ҳалқимизнинг бой миллий анъаналари ва тарихимизга оид турли хил китоб-маълумотларни ўқиб-ўрганишди. Бир сўз би-лан айтганда, низоҳатда қизи-қарли кечган бу фестивал та-лабаларимизнинг маънавий дунёсини бойитишга, уларнинг табиатга, она юртва муҳаббат-ларини оширишга бевосита хиз-мат қилиши, шубҳасиз.

Шунингдек, бугунги кунда институтда ёшларнинг жисмо-

✓ Иқтисодиёт ва ислохот

Бир неча йил муқаддам «На-манганмел» акциядорлик жа-мияти ночор иқтисодий аҳволга тушиб қолганди. Махсуслот си-фатсизлиги боис бозорда ўтмай қолганди. Утган йили корхонага тадбиркор йигит Сиддиқжон Му-ҳамматов раҳбар этиб тайин-лангандан сўнг иш юришиб кет-ди. Жамоа қовушди, тажрибали мутахассислар тўпланди. Сўнгра Ўзбекистон — Германия акция-дорлик тижорат «Савдогарбанк» Наманган виллоят филиалидан эскирган дастхоналарни янгилаш ва хомашё сотиб олиш учун 72 млн. сўм миқдорда кредит олинди. Эндilikда корхона иқтисодий аҳволини ўнлаб олди. Қўшимча 30 та янги ишчи ўрин-лари яратилди.

— 1995 йилдан буён «Савдо-гарбанк» Наманган виллоят бўли-ми нинг мижози сифатида фао-лият юритаёلمиз, — дейди На-мангандаги «Зилол» хусусий иш-лаб чиқариш фирмаси раҳбари Юнусжон Мирзабоев. — Аҳолига жаҳон андозаларига мос кела-диган мебель маҳсулотларини етказиб бераёلمиз. Махсуслот-ларимиз хариддорлар. Аҳоли эъти-ёжини янада тўлароқ қондириш

мақсадида ишлаб чиқаришни кен-гайтириш учун банкдан 25 млн. сўм кредит олди. 15 та янги ишчи ўринлари яратилди. Яқинда «Ташаббус-2008» Республика кўрик- танловининг Наманган ви-лоят босқинида биринчи ўринни эгаллаб, Республика босқинида ҳам муваффақиятли иштирок этишга муяссар бўлди.

Умуман «Савдогарбанк» На-манган виллоят филиали фао-лиятдан бундай мисолларни кўп-лаб келтириш мумкин.

2007 йил давомида бу ерда кичик ва ўрта бизнес корхона-ларига, жисмоний шахсларга жами 2 млрд. 448 млн. сўм кре-дит ажратилди.

Жорий йил 1 январь ҳолати-га кўра, банк ўз ресурслари



ҳисобидан ажратилган кредит қолдиқлари 1 млрд. 94 млн. 035 минг сўми ва бюджетдан таш-

қўшт махсуслотлари билан таъ-минланиб келинмоқда.

Наманган халқаро аэропорти



НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Ўзбекистон — Германия АТ «Савдогарбанк» Наманган виллоят филиали ходимларининг шиориға айланган

дир ажратилди.

Жорий йил 1 январь ҳолати-га кўра, банк ўз ресурслари

қари жамғармалар ҳисобидан берилгани 79 млн. 130 минг сўми ташкил этди.

Аҳолини сифатли қўшт мах-сулотлари билан таъминлаш мақсадида «Валихон-Ота» фер-мер хўжалигига 25 млн. сўм, «Умарали Собиров» фермер хўжалигига 10 млн. сўм, «Ма-дад НМХ» фермер хўжалигига 20 млн. сўм, «Ойдинзабон» ху-сусий корхонасига 30 млн. сўмлик кредитлар берилди. Ҳозирги кунда ушбу фермер хўжаликлари томонидан виллоят аҳоли, болалар боғчалари, касал-хоналар ва ошхоналар сифатли

қошидаги «Кетринг» хусусий фир-масига ошхона куриш учун 60 млн. сўм кредит ажратилганди. Халқаро андозаларга жавоб бе-рувчи ушбу ошхона ишга туш-ганидан сўнг узоқ-яқиндан ке-лаётган меҳмонларга хилма-хил таомлар тақдим этилмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки чо-рагида филиал томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарига, жисмоний шахсларга жами 442 млн. 180 минг сўм кредитлар бе-рилди. Жумладан, саноат корхо-наларига 92 млн. сўм, қурилиш ташкилотларига 18 млн. 200 минг сўм, қоразчилик учун 10 млн. сўм,

маси манбаси ҳисобидан 143 млн. 122 минг сўм ва бошқа мақсадларга берилган 1 млрд. 42 млн. 879 минг сўм кредит қолдиқлари мавжуд.

Ҳозирги пайтда филиал томо-нидан 1602 микрога хизмат кўрсати-лмоқда. Бунинг миқдидан зиёди юридик мақомга эга бўлган таш-килотлардир. Бундан ташқари қа-рийб икки ярим минг нафар жи-смоний шахслар (омонатчилар)га ҳам хизмат кўрсатишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик картон-калар асосида хўшб-килоб қилиш

суммаси 54 млн. 220 минг сўми ташкил қилади. 2008 йилда тер-минал орқали савдо қилувчи сав-до нукталарини кўпайтириб, нақд пул айланишини янада камай-тиришга эришиш банк ходимла-рининг асосий нияти.

Банк филиалида аҳолига қўлай-лик яратиш мақсадида юқори фо-изли жозибдор омонат турлари жорий этилмоқда. Жумладан, утган йили қатор омонат турла-рига 1 млрд. 475 млн. 736 минг сўм маблағ жалб этилди.

2008 йил январь-март ойлари давомида аҳолининг бўш пул маблағларини мuddатли омо-

натларга жалб қилиш бўйича жами 43 млн. 580 минг сўм, мuddатсиз талаб қилиб олин-гунча омонатларига 123 млн. 626 минг сўм, жами омонат-ларга 167 млн. 206 минг сўм маблағ жалб қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банклари-да аҳоли омонатлари шартла-рини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосан банк бўлимида «Ишонч» телефо-нлари» ташкил этилди.

ОПЕК
фикридан қайтди

Нефть экспорт қилувчи давлат-лар ташкилоти — ОПЕК 2012 йилга бориб нефть қазиб олишни қунига



беш миллион барреллгача қўпайтирмоқчи, деб ха-бар беради АРР. Ташкилот бош директори Абдулла ал-Бадрининг айтишича, 2020 йилга келиб эса бу кўрсаткич қунига тўққиз миллион барреллга етади.

Шу йилнинг март ойида ташкилот нефть нархини тушириш учун нефть қазиб олиш миқдорини оширмаглигини айтганди. Айни вақтда таш-килотнинг фикрича, қунига 300-500 баррелл кўп қазиб олиш нефть нархи кўтарилмаслигига олиб келиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, 22 апрель кунин нефть нархи жаҳон бозориди янги рекорд ўрнатди. WTI маркали нефтининг бир баррелли май ойи учун 117,48 долларга кўтарилди.

ОПЕКа дунё нефть захираси устидан назорат олиб борувчи 13 та давлат аъзо. Уларнинг нефть қазиб олиш квотаси қунига 29,67 миллион барреллни ташкил этади.

Ёрдам
бериш керак



Қўшни давлатлар Зимбабвега президент Роберт Мугабе бошчилигида вақтинчалик ҳукуматни тузишга ёрдам бериши керак, деган фикр илгари сурилди мам-



лақатнинг The Herald газетасида эълон қилинган мақолада. Бундай ҳукума-ти тузишдан мақсад эркин сайловни ташкил этиш ва янги конституцияни қабул қилишдир. «Айни вақтда мам-лакатда юзага келган ижтимоий-иқти-содий вазият яхши эмас, сиёсий аҳвол эса шунчалик издан чиқиб кетганки, эркин ва адолатли сайлов ўтқа-зишнинг деярли илоҳи йўқ», — дейилади газетда.

Эслатиб ўтамиз, 29 март кунин Зимбабведа президентлик ва пар-ламент сайловлари бўлиб ўтди. Номаяълум сабабларга кўра, сайлов натижалари ҳалигача эълон қилинмаган. «Демократик ўзгаришларга ҳаракат» партияси президентлик сайловида ўз номдори Морган Цван-гирай ғолиб бўлганини таъкидламоқда.

Қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси
Наманган виллоят божқармаси

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини эълон қилади:

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилиш якунлаш мuddати (ой)
1	Косонсой тумани «Косонсой» божхона пости бино ва иншоотларини мукамал таъмирлаш (1-босқич)	140 307 704	3

Буюртмачи: Наманган шаҳар, Ирригатор кўчаси, 2-а уйда жойлашган Ўзбекистон Рес-публикаси Давлат божхона қўмитасининг Наманган виллоят божқармаси.

Телефон: (8-369) 231-33-01, **факс:** (8-369) 234-35-01.

Қурилиш ишлари Давлат маблағлари ҳисобидан молия-лаштирилади.

Танлов савдоларида қатна-шиш учун талабгорлар қуйи-даги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқ-дориди айланма маблағлар-нинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк ка-долатномасига, ишлар (хизмат-лар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудли-гига, етарли касбий ва техни-кавий малака, молиявий им-кониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тан-лов ҳужжатларига эга бўлиш

учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Наманган ви-лоят қурилишда танлов сав-долари ва нархларни шаклланти-риш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй, иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.
Телефон: (8-369) 226-14-50, **226-47-91.**


Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) сав-до ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги мuddати — оферталар очилиш кунин ва со-атига.

Таклифлар очилиши матбуот-да эълон чоп этилгандан бош-лаб ўттиз кундан кейин қуйи-даги манзилда ўтказилади:

Наманган шаҳри, Ирригатор кўчаси, 2-а уй.



Аҳоли қўлидаги бўш пул маб-лағларини миллий валютадаги «Сармоядор», «Ёшлик», «Оила даромади», «Эгасининг номи кўрсатилмайдиган», «Ҳазина плюс», «Ҳаши ният», «Комфорт плюс» ва чет эл валютасидаги турли хил мuddатли омонатла-рига жалб қилиш бўйича ҳам муайян ишлар олиб боришмоқ-да ҳамда аҳоли ўртасида, ма-ҳаллий телевидение, радио, га-зета ва журналларда кенг ёри-тиб боришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига хизмат қилаётган АТ «Савдо-гарбанк» Наманган виллоят фи-лиали жамоасининг нияти — ми-жозларга доимо намунали хиз-мат кўрсатишда олдинги саф-ларда бўлишдан иборат.

Шоҳайдар МИРҲАБИВОВ,
Мирҳабийер МИРҲАБИВОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари. t

Спорт

ЯНА БИР ЭЪТИРОФ

Халқимизнинг миллий спорт тури — кураш бугун ер кўррагининг барча қўлаларида тобора оммалашиб бормоқда. Айниқса, бу борада Европада Франция кураш федерацияси амалга ошираётган ишлар тахсинга лойик. Бунини ушбу давлатнинг «PAYS BASQUE» (Баск мамлакат) газетаси саҳифаларида чоп этилган ўзбек кураши ҳақидаги туркум мақолалардан ҳам билса бўлади. Дастлабки мақолада Франция кураш федерацияси мазкур спорт турининг янада оммалаштирилиши мақсадида 19-20 апрель кунлари конференция ташкил этилганлиги хусусида сўз боради. Унда қайди қилинишича, Бейон шаҳридаги Ассоциациялар уйида «Ўзбекистон ва Мўғулистон» кўргазмаси ўтказилган. Тадбирда иштирок этган ФКФ президенти Бернард Кабос Диамел Франция Савдо палаталари, Бейон шаҳар мэри вакиллари ва бошқа бир қатор маҳаллий нуфузли ташкилотларнинг масъул шахслари билан курашни янада тараққий эттириш борасидаги амалий ҳамкорлик хусусида келишиб олган.

Конференция ишининг иккин-



чи кунда Кураш халқаро ассоциацияси Халқаро департаменти директори Зиёвуддин Хожиниёзов қатнашди. Унда мамлакатда охирги йилларда курашни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, 2008-2009 йилларда Францияда ўтказиладиган мусобақалар масалаларига атофлича тўхталиб ўтилди. Конференция ишидан маълум бўлишича, ҳозир мамлакатда ўнга яқин кураш спорт клублари ўз фаолиятларини бошлашга тайёр. Францияда кураш бўйича илк мамлакат миллий

чемпионати 2009 йилнинг май ойида ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, конференцияда бир қатор ташкилий масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Худди шу газетда чоп этилган яна бир мақола «Кураш тартиб-қоида» сарлавҳаси остида эълон қилинган. Бу мақола ФКФ президенти Бернард Кабос фаолиятига бағишланган. Қўққўз ёшли Бернард ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган. Француз полвони бу спорт турини танлаб, жисмоний ва маданий тар-

биясини янада юксалтиришга аҳд қилганлигини билдиради.

Бернард Кабоснинг курашга кириб келиши 2006 йилда бошланган. У «Гендей» соҳилида кураш жамоасини тузиб, мусобақалар ташкил этди. Маҳаллий полвонларнинг ана шу беллашувлардаги фаол иштирокидан руҳланган ўзбек курашининг франциялик жонкуяри Бернард Француз миллий кўмитасини тузиш ташаббуси билан чиқди. Айни чоғда у бутун мамлакат бўйлаб курашни асл аъёнлари асосида ривожлантиришга бел боғлаган.

Газета кураш ҳақидаги мақолалар туркумини давом эттириб, ушбу спорт тури тарихига ҳам алоҳида жой ажратган. Француз матбуоти миллий қадриятимиз хусусида тўхталар экан, ундаги қуйидаги жумлалар киши эътиборини тортади: «Кураш Бернардининг кўзига бирор-бир мамлакатни маданиятини кашф этишга хизмат этадиган востига бўлиб қўринади».

Дарҳақиқат, курашнинг дунёга чиқиши мамлакатимиз тарихи, маданиятини жаҳонга танитишнинг яна бир воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Эркин ХОЛБОБО.

Тита ВАЛЕРИУ:

«ҚУРУВЧИ» — ОСИЁДАГИ КУЧЛИ ЖАМОАЛАРДАН БИРИ

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлари лигасининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда мусобақа дебютанти Тошкентнинг «Қурувчи» жамоаси ўз майдонида Суриянинг «Ал-Иттиҳод» (Алеппо) футболчиларини қабул қилди.

«А» гуруҳида тўп сураётган бу жамоалар бундан икки ҳафта муқаддам Алеппода ўзаро рубару келишган. Унда Миржалол Қосимов шогирдлари рақиблари устидан 0:2 ҳисобида ишончли ғалаба қозонганди. Тошкентдаги жавоб ўйини олдидан жамоалар мураббийлари иштирокида ўтган матбуот анжуманида сурияликлар устозни руминиялик Тита Валериу ҳамюртларимиз ўйини ҳақида тўхталар экан, «Қурувчи» нафақат гуруҳдаги, балки Осиёдаги кучли жамоалардан бири эканлигини эътироф этганди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон XVII миллий чемпионатида етакчиликини қўлдан бермай келадиган «Қурувчи» футболчилари Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида ҳам ўз олдига катта мақсадларни қўйганликлари амалда кўрсата бошлаганди. Жавоб учрашувининг дастлабки дақиқаларидан бошлаб, ташаббусни ўз қўлларига олган Миржалол Қосимов шогирдлари муҳлис-ларга ҳужумкор ўйин тўхфа қилишди. Гарчи, унда ҳамюртларимиз 1:0 ҳисобида ғалаба қозongan бўлсалар-да, футболчиларимизнинг хатти-ҳаракатлари ишқибоз-ларга манзур бўлди. Ғалаба тўпини Тимур Кападзе рақиб дарвозасига йўлади.

Шундай қилиб, тўрт учрашувдан сўнг ўз очколари ҳисобини 9 тага етказган «Қурувчи» жамоаси гуруҳдаги пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлаб олди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) — «Сенахон» (Эрон) жамоалари ўзаро куч синашди.

Мусобақанинг «Д» гуруҳида қатнашаётган мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» (Тошкент) футболчилари эса Ироқнинг «Арбил» жамоаси меҳмони бўлди. Ироқдаги нотинч вазият туфайли бу ўйин Иорданияда ўтказилди. Унда пахтакорчилар рақиблари устидан йирик ҳисобда зафар қучишди — 1:5.

«ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ — 2008»

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида ташкил этилган «Тасвирий санъат ҳафталиги — 2008» ёшларимизнинг чинакам байрамига айланди.

Ҳафталида мамлакатимиздаги санъат мактаблари, коллеж ва лицей ўқувчилари, шу соҳага йўналтирилган олий ўқув юрлари талабалари, ўқитувчилари ўз асарлари билан иштирок этишмоқда. Тасвирий ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик, ганчкорлик, ўймакорлик, зардўзлик, каштачилик шулар жумласидандир.

Жасванд АННАЗАРОВ, Камолиддин Бехзод номидаги рассомчилик ва дизайн институты талабаси:

— Ушбу ҳафталиқда иккинчи бор иштирок этишим. Бу йил ёғочдан ишланган «Ҳумо» ва «Малика», гипсдан ясалган «Отанинг портрети» каби асарларим билан қатнашапман. Уларда миллий қадриятларимиз, қадимий анъаналаримиз акс этган бўлиб,



ватанимиз тарихи билан бирга бугунги тинч-осуда ҳаёти, эртанги нурли келажаги гавдаланади.

Жасур ХУСАНОВ
Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.



Р.ШАГАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Тадбир

ЭМЛАШ ҲАФТАЛИГИ

Аҳоли сиҳат-саломатлиги — жамиятнинг бойлигидир. Бинобарин, республикаимизда халқ соғлигини муҳофазалашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Маълумки, дунёда тиббиёт тараққий этган сари жаҳон халқлари орасида ҳар хил юқумли касалликларга чалиниш холлари ҳам учраб турибди.

Бугунги кунда саломатлиқни сақлашда иммунопрофилактика — эмланнинг аҳамияти жуда катта. Zero, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти болаларни эмлаш туфайли ер юзиде полиомеиелит (шол) хасталиги тугатилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2010 йилга келиб дунё мамлакатлари халқлари орасида қизамиқ касаллигини тугатиш дастурини тайёрлади. Ўзбекистонда ҳам 2005 йилдан бошлаб дастур асосида Республикани соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан миллий эмлаш ре-

жаси ишлаб чиқилди. Барча вилоятларда аҳоли орасида қизамиқ билан касалланишни узлуксиз эпидемиологик кузатув ишлари компьютер дастурида олиб бориляпти.

Республикаимиз барча вилоятларида 2006-2007 йилларда 2 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳоли орасида қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш режаси амалга оширилди. 21 апрелдан бошлаб 26 апрелгача эса Европа эмлаш ҳафталиги ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатонаси раҳбари доктор Мишел Тайад. — Дунёда иммунопрофилактика-эмлаш — давр талаби. Шунинг билан таъкидлаш керакики, Ўзбекистонда бу тизим жуда такомиллаштирилган. Беш йил давомида республикангиз аҳолиси орасида дифтерия, шол хасталиги ҳолатлари йўқ. Яна шунинг билан айтиш жоизки, Ўзбекистондаги мазкур тиббий тадбирлар тарғиботида оммавий ахборот восталари ҳам фаол иштирок қилади. Бу бизга Европа эмлаш ҳафталигини ўтказишда аҳолининг имкон қадар кўп қатлами қамраб олишда ёрдам беради.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ПГС»

Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси

қуйидагиларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади:

- электр калорифер-иситгичлар (саноат корхоналари учун, қуввати — 6, 12-20 кВт);
- электр калорифер-иситгичлар (маиший қуввати — 1, 8 кВт);
- мини новвойналар (ишлаб чиқариш қуввати — соатига 64 та буханка нон);
- электр қозонлар (қўра), қуввати — 2, 9, 12 кВт;
- кабоб пиширадиган электр қўралар (умумий овқатланиш корхоналари учун ва маиший) — 1, 7 - 6 кВт;
- сауналар учун электр жиҳозлар, қуввати — 2, 6, 8, 10, 12 кВт.

Буюртмаларни қуйидаги манзилга:

Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 125-уй,
электрон почта: e-mail: pgs4@yandex.ru ёки
тел/факс: 279-38-54 орқали юбориш мумкин.

Махсулот сертификатланган.



Жиҳозлар Давлат ёнғинга қарши назорат ташкилоти томонидан фойдаланишга рухсат этилган.

Тошкент шаҳар Сергели Молия-иқтисодиёт коллежи томонидан 1999 йилда Абдулазизхон Мурадзонов Абдулжабаров номига берилган тартиб рақами 249, №281477 сонли ўрта махсус маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Давлат-тижорат
ХАЛҚ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини
либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларини
бажариб навбатдаги янги, миллий ва хорижий валютадаги

«ТАҚДИМ ЭТУВЧИ»

омонат турини таклиф этади:

— миллий валютадаги
«ТАҚДИМ ЭТУВЧИ»
омонатида
аҳоли пул
маблағлари 3, 6, 9 ва
12 ой муддатга,
йиллик 30 фоиз
даромад тўлаш шarti
билан чекланмаган
миқдорда;

— хорижий валютадаги «ТАҚДИМ ЭТУВЧИ» омонат турига маблағлар 6, 9 ва 12 ой муддатга йиллик 6 фоиз даромад тўлаш шarti билан нақд валютада ва хорижий банклардаги маблағларингизни чекланмаган миқдорда нақд пулсиз ўтказиш йўли билан Халқ банкининг барча филиалларида қабул қилинади.

Омонатингиз ҳақидаги маълумотнинг сир сақланиши ҳамда маблағларингизнинг ҳисобланган фоиз даромадлари билан биринчи муурожаатингиз бўйича берилиши таъминланади.

Халқ банкига
аҳоли
омонатларининг
дахлсизлиги давлат
томонидан
кафолатланган!

Хизматлар лицензияланган.

(Газетанинг навбатдаги сони 29 апрель, сешанба кuni чиқади.)

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoza SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
(Tel. faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80

VILOYAT
MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uezbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349

12869 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 22.40
1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda